

## “ЛИСОН УТ ТАЙР” ДОСТОНИДА ВАЗН, СҮЗ, УСЛУБ ВА РИТМИК БҮЛЛАКЛАР ТАХЛИЛИ

Karimova Yulduz Baxtiyorovna

Farg‘ona davlat universiteti mustaqil izlanuvchisi

[Yulduzk228@gmail.com](mailto:Yulduzk228@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Алишер Навоининг “Лисон-ут тайр” достонида вазн, сўз, услугуб ва ритмик бўлаклар таҳлил этилган бўлиб, бу асар ўзининг поэтик фигуранлари, тасвир усуслари ва ифода воситалари билан бадиий баркамол асар ҳисобланади. Чунки муаллиф классик адабиётнинг асосини ташкил этган шеърий санъатлардан моҳирона фойдаланган, ифода воситаларини тартиб билан занжир шаклида байтлар маркибига сингдирив, ўзига хос поэтик яхлитлик яратма олганлиги ҳақида фикр юритилади.

**Калим сўз ва иборалар:** поетика, тафаккур, образ, адабий тур, оқим, услугуб, метод, объектив воқелик, бадиий тафаккур, илмий тафаккур, давр тенденцияси.

### ANALYSIS OF WEIGHT, WORDS, STYLE AND RHYTHMIC PIECES IN THE EPIC "LISON UT TAYR"

### ANNOTATION

*This article analyzes weight, words, style and rhythmic parts in Alisher Navoi's epic "Lison-ut-Tair". It is believed that the author skillfully used the poetic arts that formed the basis of classical literature, integrated the means of expression into the structure of stanzas in the form of a chain, and created a unique poetic unity.*

**Key words and phrases:** poetics, thought, image, literary genre, stream, method, method, objective reality, artistic thinking, scientific thinking, trend of the time.

Ҳар бир давр адабиётида бадиий санъатларнинг вазифаси ва моҳияти ўша давр анъаналарига хос услубда асарда намоён бўлади. Уларнинг муайян ижодкор асарларида ифодаланиш хусусияти услугуб асосларини ташкил этади. Навоий ижодида поэтик санъатлар шоирнинг эстетик идеалини бадиий ифода этиш учун хизмат қиласи. Хусусан, шоирнинг “Лисон ут-тайр” достони ўзининг поэтик фигуранлари, тасвир усуслари ва ифода воситалари билан бадиий баркамол асар

ҳисобланади. Чунки муаллиф классик адабиётнинг асосини ташкил этган шеърий санъатлардан моҳирона фойдаланган, ифода воситаларини тартиб билан занжир шаклида байтлар таркибига сингдириб, ўзига хос поэтик яхлитлик яратади. Навоий лирикаси, эпик ва насрый асарлари вазнлари хусусида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, А.Ҳайитметов, М.Шайхзода, Ё.Исҳоқов, А.Рустамов ва Дилором Салоҳий каби олимлар Навоий ижодида поэтик санъатлар шоирнинг эзгу мақсадлари, эстетик идеалини бадиий ифодалаш учун восита бўлиб ҳизмат қилганини изоҳлайдилар. Улар “Лисон ут-тайр” мувоффақиятини белгиловчи асосий омиллардан бири унинг лексик-стилистик ва ғоявий-тематик яхлитлиги асосида композицион бир бутунликнинг ташкил қилишида эканлигини қайд этади. Адабиётшуносликда “Мумтоз поэтикамага хос қоидалар ва замонавий адабиётшуносликда қўлга киритилган тажриба ва ютуқлар асосида “Навоий поэтикаси”ни қуидаги тўрт йўналиш: шеър навълари, илми аруз, илми бадиъ ва илми қофия асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ҳам назарий поэтика (фоника ва ритмика масалаларини илми аруз доирасида), ҳам тарихий поэтика (строфика, стилистика, жанрлар масаласини шеър навълари, илми бадиъ доирасида) масалалари умумлаштирилган ҳолда таҳлил обектига тортилади”[Сирожиддинов Ш.2018.286]. Бу таҳлиллар доирасида дастлаб, достондаги ҳамд ва наътларнинг берилишидаги шоирнинг тил қонуниятлари, сарфу нахъв истефодасига, сўз ва сўз бирикмасига, содда ва равон тил хусусиятларига эътибор қаратади. Дилором Салоҳийнинг ёзишича, “Алишер Навоийнинг дунёқарашига кўра, адабий тафаккур инсоннинг катта жисмоний, руҳий меҳнатларининг заҳматини чекиб, ўзини ҳар томонлама поклаб эришадиган башарий бойлигидир. Навоий адабий тафаккурининг бекиёс, оламшумул парвозига сабаб бўлган нарса унинг бадиий тасвир соҳасидаги бекиёс санъаткорлигидир”[ Дилором Салоҳий.2005.269]. Бу санъаткорлик “Лисон ут-тайр” достонида поэтик санъатларнинг лафзу маъновий жиҳатдан ифодаланишида кўринади.

Шеърий нутқ муайян бир ўлчов асосидаги ритмга эга бўлиб, ўзининг мусиқийлиги, ҳиссий тўйинтирилганлиги билан фарқланади. Шеърий нутқдаги ўзига хос интонация, мусиқийлик ритмик бўлаклар ва ритмик воситалар, ўзига хос фонетик ташкилланиш, турли синтактик усуллар ёрдамида вужудга келади. “Шеърий йўлда ёзилган лирик асардаги кайфиятнинг ҳосил қилиниши, кечинманинг ўқувчига “юқтирилиши”да унинг ритмик-интонацион томони муҳим аҳамият касб этиб, шеърнинг ритмик интонацион ҳусусиятлари унинг мазмун билан уйғунлигига яхлит система сифатида ва шеърий нутқнинг ўзига хос ташкилланишини тасаввур қилиш учун, аввало, унинг ритмик-интонацион

хусусиятларини белгиловчи унсурлар, воситалар ҳақида тушунчага эга бўлиш зарур,”[3] - дейди Д.Қуронов. Ритм жуда кенг тушунча бўлиб, у борликдаги жуда кўп нарсаларда кузатилиши мумкин. Масалан, инсон организми, тарновдаги томчилар. Шу хусусиятига кўра ҳам ритм воқеаланган ҳодисадир. Шеърий нутқнинг ритмик қурилишини яхшироқ тасаввур қилиш учун ритмик бўлак ва ритмик воситаларни аниқлаб олиш зарур. Ритмик бўлаклар сифатида бўғин (хижо), туроқ (ружн), мисра ва бандни оламиз. Бўғин бир ҳаво зарби билан айтиладиган товушлар йиғиндиси бўлиб, у барча шеър тизимларида энг кичик ритмик бўлак саналади. Аruz вазнида бўғиннинг қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ бўлишига эътибор берилади. Туроқ билан рукннинг ритмик бўлак сифатидаги аҳамияти ва даражаси teng келади. Аruz тизимида рукн қисқа ва чўзиқ хижоларнинг маълум тартибда гурухланишидан ҳосил бўлади. Бу гурухнинг йиғиндиси мисра бўлса, иккилиқ мисранинг алоҳида кўриниши байтдир. Юқорида келтирилган ритм таърифига асосланиб “Лисон ут-тайр” достонидаги байтларни қўйидагича таҳлил қиласиз:

Барча авқо / тим ўтуб ан / дух ила,

- v - - / - v - - / - v -

Мотам аҳли / дек фифону / вух ила[Лисонут-тайр.75].

- v - - / - v - - / - v -

Рамали мусаддаси максур

(фоилотун-фоилотун-фоилун).

“Шеърий нутқ ритмга, ритм шеърий нутқка муайян шакл, яхлитлилик ҳадя этади. Ритм шеърий нутқни ҳар қандай оддий фикрни ҳам бир даража юқори кўтаради. Ритмдан сўзга сеҳр, таъкид, кўтаринкилик насиб бўлади; ритмлилик фикр – ишонч, муҳимлик ато этгандай бўлади; шеърий ритмли сўз обрўли сўздир, ритмли фикрни ёдлаш осон ва эсдан узоқ вақтгача чиқмайди... Қолаверса, ритмдорлик кишига завқ-шавқ бағишлайди, нутқдаги ҳиссиёт, эмоционалликни орттиради; руҳий эҳтиёжни қондиради”[Тўйчиев У.1985.75].

“Лисон ут-тайр” достонида шоир ритмик бўлакларни маълум тартибда жойлаштиради. Инверция ҳодисаси нисбатан кам учрайди. Борларида ҳам рукн талаби билан аниқланади.

Улки махлу/ қот<sup>i</sup> халло/ қийдур ул,

Ондин ўзга/ фонию бо/ қийдир ул.

Биринчи мисранинг иккинчи рукнида “и” товушининг талаффузда айтилиши рукн талаби ҳисобланади.

Кўрди жам ўл/ фон нажосат/ лар басе,

Тушти ўт жис/ миға андок/ ким хасе.

Байтдаги рукиларнинг икки ёки уч дафъа такрорланишидан мисра, мисралар такроридан эса байт ҳосил бўлади. “Кўрди”, “тушди” сўзлари охирида келган “и” товуши қисқа талаффуз этилади ва “V” белгиси билан ифодаланади. Мисра охирида келган “басе”, “хасе” сўзлари тўлиқ ҳижо қийматида берилган ҳисобланади. Яъни рукин бир тўлиқ, бир қисқа ва бир тўлиқ ҳижодан ташкил топган. Байтлар бошида ва сўнгида қофиядош сўзлар келтирилгани боис бу мисралар тўқ қофия саналади.

Хилъати ах/ зар била жў/ ёи шах,

Иўл озиққон/ ларға бўлғил / Хизри раҳ.

Бу байтда иккита бир хил рукин такрорланади, аммо учинчи рукинда сўнгти ҳижо йўқ, яъни фоilon шаклида берилади. Мисралар охиридаги “шах” ва “раҳ” сўзлари ҳам қофияни, ҳам чўзиқ ҳижони ҳосил қилган.

Чун келиб ўн/ ўзгаларга/ журъатинг,

Шах бериб ўн / ўзгаларча/ қисматинг.

Бу байтда “чун” сўзи мисра бошида келган ва бу сўз одатда чўзиқ ҳолда талаффуз этилади. Кейинги рукиннинг охирида “ўзгаларга”, иккинчи мисрадагиси эса “ўзгаларча” сўзлари билан якунланади. Аслида “та” ва “ча” товушларидан тузилган ҳижолар ҳақиқатда бир қисқа ҳижо бўлсалар ҳам баъзан урғу олиб, тўлиқ ҳижо қийматида юради.

Қофиянинг мазмун билан алоқаси таъсирчанликни юзага келтиради ва шеър мазмунини ёдда сақлашга ёрдам беради. Ўзаги бир-бири билан тўла оҳангдош бўлган сўзлар тўқ қофияни, сўзлардаги баъзи товушларнинггина оҳангдошлиги оч қофияни ташкил этади. Юқорида келтрилган байтда “бериб-келиб”, “ўзгаларга-ўзгаларча”, “журъатинг-қисматинг” каби бир нечта сўзларда оҳангдошликтининг вужудга келиши қўш қофияни вужудга келтирган. Одатда, қўш қофиялар Ҳудҳуднинг қушларга айтган эътиrozларида фаол қўлланилган.

Мунча бирла/ ўзни тавсиф/ эткосен,

Зўру шавкат/ бирла таъриф/ эткосен.

“Мунча” сўзида ҳам юқоридағи “чун” сўзи каби чўзиқ ҳолда талаффуз этилади. Аммо бу сўздаги “ча” қисқа талаффуз қилинади. Иккинчи мисрадаги “шавкат” сўзида “т” товуши ўзидан олдин келган “а” унлиси билан биргаликда чўзиқ ҳижони ташкил этмоқда. Мисралардаги радиф сўз “эткосен” сўзи алоҳида таҳлилга муҳтож. Боиси, “э” ва “е” товушлари чўзиқ, аммо талаффузда “о” товуши “а” га мойил ҳолда айтилади ва қисқа ҳижо ҳисобланади.

Паҳлавону/ қаҳрамон ул/ бўлди, ул—

Ким кечиб жо/ нидин эткой/ азми йўл”.

Юқоридаги байтда “ул” сўзининг такори услубий ўзига хосликдан ташқари, рукнлар тартибидаги чегарани белгиламоқда. “Ул” – чўзиқ ҳижко бўлиб, “л” товуши олдидан келган унлилар асосан чўзиқ ҳижоларни хосил қиласди. Адабиётшунос олим Абдурауф Фитрат айтганидек, “Аruz вазнида ҳижоларнинг камияти билан кайфияти айни даражада асосий рол ўйнайди. Мисраларда ҳижоларнинг сони эътиборга олингани каби қисқа, тўлук ҳижоларнинг биринчи мисраларидан ҳам айни тарзда такрор этади ва бу лозимдир”[213]. Мисраларнинг қатъий тартибда бўлингани шеърнинг ритмик хусусиятларига, оҳангига муайян ўзгаришлар киритади ва унинг таъсирчанлигини оширади. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони қатъий ритмик қоидалар асосида ёзилган бўлиб, мазмунининг бойлиги билан ҳам эътиборлидир. Муаллиф достон таркибига мақоллар, ҳикоятлар, афсона ва ривоятларни моҳирона тартиб билан жойлаб боради. Бу даврда дунёга келган асарларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда қаламга олинган воқеалар моҳиятини асарда иштирок этувчи персонажларнинг ўзаро сұхбатидан ёки муаллифнинг поэтик тасвиридан билиб оламиз. Албатта, бу ахборот шунчаки юзаки бўлиб қолмаслиги учун автор ҳаётни чуқур билиши ва уни бутун мураккаблиги билан таҳлил қила олиши, байтда ишлатилган сўзлар воситасида инсон туйғуларига бевосита таъсир ўтказа олиши керак. Бунинг учун ҳар бир истеъододли ёзувчи ўз асарининг бошланмасига алоҳида эътибор бериши, уни образли иборалар билан бойитишга, тасвир таъсирчанлигини оширишга ҳаракат қилиши талаб этилади. Шоир шеърнинг композицион мукаммалиги устида ижодий иш олиб бораркан, аввало байтларнинг семантик-стилистик структураси ва улардаги эмоционал таъсир йўсунига алоҳида эътибор беради. Композицияни ташкил этувчи поэтик усуллар ва бадиий тасвир воситалари Навоий қаламига хос бўлган кўринишлари билан янада бойийди. Ҳар қандай поэтик фигуralар сўз орқали юзага чиқади. Бадиий адабиётда сўз ва гаплар образ, манзара яратишининг ўзига хос либоси, материалидир. Ижодкорнинг қалами сехри остида сўзлар ҳаётдаги нарса ва ҳодисаларни инсон онгига аниқ тиклайдиган, гавдалантирадиган воситадир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Сирожиддинов Ш., Юсупова Д., Давлатов О. Навоийшунослик. Дарслик. Тамаддун нашриёти. Т: 2018. Б-286.
2. Дилором Салоҳий. Навоийнинг шеърий услуби масалалари. Тошкент. Фан. 2005. Б-269.
3. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. Б-124.
4. Алишер Навоий. Лисонут-тайр. МАТ. 20 томлик –Тошкент: Фан. Т6 12.1996. Б-75-51-16-31-35-51.
5. Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аruz системаси. Тошкент: Фан. 1985, Б-21
6. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 5 жилд. Тошкент. “Маънавият”. 2010. Б-213.